O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI

2022 - yil 28 - fevral 96-3-0-Q/22 Jizzax viloyati hokimligi

Вилоятда уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралда “Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-139-сонли қарори ижросини таъминлаш, вилоятда қурилиш соҳасини ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш комплексини янада ривожлантириш, ҳудудларда аҳоли учун арзон уй-жойлар қурилишини таъминлаш, уй-жой қурилиши бозорида талаб ва таклиф номутаносиблигини қисқартириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5-, 6- ва 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралда “Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-139-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

а) вилоятнинг **Фориш туманида** хомашёни қазиб олишдан уни қайта ишлаш, лаборатория текширувидан ўтказиш, тайёр қурилиш ва пардозбоп материаллар ишлаб чиқаришгача қўшилган қиймат занжирини яратувчи қурилиш материаллари кластерларини ташкил этиш белгиланганлиги;

ҳар бир ҳудудда камида биттадан қурилиш материалларини ишлаб чиқаришдан қурилиш объектларини лойиҳалаштириш ва тайёр кўп қаватли уй-жойлар қуришгача қўшилган қиймат занжирини яратувчи **уй-жой қурилиши** кластерларини ташкил этиш белгиланганлиги;

геология-қидирув ишларини амалга ошириш учун 2022-2023 йилларда Давлат бюджетидан Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига геология-қидирув ишлари учун ажратиладиган маблағлар доирасида 100 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар ажратилганлиги;

б) 2022 йил 1 мартдан бошлаб:

барча юридик шахсларга вилоятда ишлаб чиқариладиган цемент, цемент клинкери ва қурилиш ойнасини чекловларсиз тўғридан-тўғри шартномалар асосида (квотасиз) экспорт қилишга рухсат берилганлиги;

2024 йил 1 январга қадар экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарга (уларнинг ваколатли вакилларига) қурилиш материалларини барча мамлакатларга, шу жумладан чегарадош давлатларга автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизигача миқдорини компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилиши маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

Вилоятнинг қурилиш материаллари кластери ташкил этиладиган ихтисослашган тумани 1-иловага мувофиқ;

Кўп қаватли уй-жойлар қурилишида фойдаланилиши тавсия этиладиган энергия тежамкор деворбоп қурилиш материаллари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Вилоятда 2022-2023 йилларда янги норуда конларини шакллантириш учун геология-қидирув ишларини амалга оширишнинг манзилли режаси 3-иловага мувофиқ;

Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

4. Қурилиш бошқармаси (Маматов) қурилишда энергия тежамкор материалларни кенг жорий этиш орқали уй-жой қурилиши вақти ва

таннархини пасайтириш мақсадида:

Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Ахатов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ва кейинчалик доимий равишда кўп қаватли уй-жойлар қурилишида мазкур қарорга 2-иловадаги рўйхатда келтирилган энергия тежамкор деворбоп қурилиш материаллардан фойдаланишнинг афзалликлари юзасидан кенг тарғибот қилиб борсин;

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК (Кулмуротов) томонидан кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш жараёнида уларда энергия тежамкор деворбоп қурилиш материаллари қўлланганлигига алоҳида эътибор қаратилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этиш, унинг натижадорлигини муҳокама қилиб бориш ва ижро учун масъул бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғининг ўринбосари И.Ахатов, Қурилиш бошқармаси (Маматов) ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари зиммасига юклатилсин.

Қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокими ўринбосарлари Б.Назаров, Н.Нурматов ҳамда вилоят ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси С.У.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**

Jizzax viloyat hokimining
2022 yil 28 fevraldagi
96-3-0-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Қурилиш материаллари кластерлари ташкил этиладиган ихтисослашган туман РЎЙХАТИ

т/р	**Туманлар**	**Туманнинг ихтисослашуви**
1.	Фориш тумани	Базальт хом-ашёсини қайта ишлаш асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш

Jizzax viloyat hokimining
2022 yil 28 fevraldagi
96-3-0-Q/22-son qaroriga
2-ilova

Кўп қаватли уй-жойлар қурилишида фойдаланилиши тавсия этиладиган энергия тежамкор деворбоп қурилиш материаллари РЎЙХАТИ

1. Минерал тўлдиргичли енгил бетон буюмлар:

   шлакобетонлар (шлакопемзобетон, шлакосиликат, шлакогипс);

   термозитобетонлар (керамзитобетон, керамзитосиликат, аглопоритобетон, аглопоритосиликат, перлитобетон, перлитосиликат, вермикулитобетон);

   кулли бетонлар (золобетон, золосиликат, зологипс);

   силикатобетонлар ёки бетоносиликатлар (аглопоритобетоносиликат).

2. Енгил органик тулдиргичли бетонлар:

   арболит (ёғоч қипиқли бетон, ёғоч қириндили бетон);

   полистиролбетон (пенопластобетон);

   фибробетон (полипропилен, полиэтилен, арамид, фибрали (толали) ҳамда мустаҳкамлиги юқори бўлган шиша, базальт, пўлат фибрали фибробетон, фибросиликат, фиброгипс).

3. Ғовакли (ғовак тузилмали) енгил бетонлар:

   автоклав ёки табиий услубда қотирилган енгил бетон буюмлар.

4. Конструкцияли ва иссиқлик сақловчи бетонлар:

   газобетон, газосиликат, газогипс (газогипсобетон);

   кўпикли бетон (кўпиксиликат, кўпикгипс, кўпикгипсбетон);

   аэрацияланган (ғовакли) енгил бетон (аэроцияланган енгил силикат, кўпикгазбетон, кўпикгазсиликат, газкўпикбетон, газкўпиксиликат).

5. Ғовакли ва ичи бўш керамика:

   ғовакланган керамика (керамик блок, қобиқ, термоблок, керамик тош);

   ғовакланган (ғовакли) ғишт (термоғишт);

ичи бўш ғишт ва қурилиш керамикаси.

Бошқа композит буюмлар.

Jizzax viloyat hokimining
2022 yil 28 fevraldagi
96-3-0-Q/22-son qaroriga
3-ilova

Вилоятда 2022-2023 йилларда янги норуда конларини шакллантириш учун геология-қидирув ишларини амалга оширишнинг

МАНЗИЛЛИ РЕЖАСИ

Т/р	**Истиқболли ер қаъри участкаси номи**	**Жойлашган жойи**	**Норуда фойдали қазилма тури**	**Кутилаётган захиралар**	**Лойиҳа қиймати** *(млн. сўм)*	**Лойиҳа муддати**
1.	Осмонсой	Фориш тумани	Базальт	57,2 млн т	1 350	2022 йил II чорак 2023 йил I чорак
2.	Осмонсой-2	Фориш тумани	Базальт	Геология қидирув ишлари натижасига кўра ҳисобланади	750	2022 йил II чорак-2023 йил I чорак

Jizzax viloyat hokimining
2022 yil 28 fevraldagi
96-3-0-Q/22-son qaroriga
4-ilova

Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш бўйича ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р	Чора-тадбирлар номланиши	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Вилоят ҳокимлигидан назорат учун масъул
1.	Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Фориш туманида хом-ашёни қазиб олишдан уни қайта ишлаш, лаборатория текширувидан ўтказиш, тайёр қурилиш ва пардозбоп материаллар ишлаб чиқаришгача қўшилган қиймат занжирини яратувчи қурилиш материаллари кластерларини ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил 1 декабрга қадар	Инвестициялар ва ташқи савдо (Ахатов), Қурилиш бошқармаси (Маматов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш (Мусанов), Фориш тумани (Матиев)	Н.Нурматов
2.	Ҳар бир ҳудудда биттадан қурилиш материалларини ишлаб чиқаришдан қурилиш объектларини лойиҳалаш-тириш ва тайёр кўп қаватли уй-жойлар қуришгача қўшилган қиймат занжирини яратувчи уй-жой қурилиши кластерларини ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил 1 декабрга қадар	Инвестициялар ва ташқи савдо (Ахатов), Қурилиш бошқармаси (Маматов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш (Мусанов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари	Б.Назаров